Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | **1997 йил 6 сентябрь, шанба** | Баҳоси сотувда эркин нархда. № 69 (6965)

Da'vat

Таълим-тарбия ислоҳоти ҳақида гапирар эканмиз, унинг мазмунини лўнда қилиб ифода этиш мумкин: бизга битирувчилар эмас, мактаб таълим ва тарбиясини кўрган шахслар керак.

Ислом КАРИМОВ.

Ibrat

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Наманган вилоятида ҳам мавжуд 654 та мактабнинг 49940 нафар 1-синф ўқувчисига дарсликлар ва ўқув қуроллари солинган сумкачалар тақдим этилди.

Munosabat

БУ ҲАҚДА СЕССИЯДА АЙТИЛДИ

Дарҳақиқат, яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис сессиясидаги нутқида Йўлбошимиз таълим соҳасида халқаро меъёрлар ва андозалар асосида таълим стандартлари ишлаб чиқилмаганлигини ёки яна бир жойида «бугунги умумтаълим жараёнидаги уч босқичдан ҳеч қайсисида ўзига яраша талаб йўқ. Бошқача айтганда, ҳар қандай ўқув босқичига аниқ талаблар, стандарт даражасида расмийлаштирилгани йўқ»лигини таъкидлади. Умуман таълим соҳасидаги ҳар бир муаммо хусусида сўз борганда таълим стандартларининг аҳамиятига тегишли фикрлар ўз-ўзидан келиб чиқаверди.

Ўзбекистон Президенти кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланиши ва фаолият кўрсатишнинг асосий тамойиллари тўққиз пунктдан иборат вазифаларни ўз ичига олишини айтиб, биринчи қилинажак ишлар қаторида «давлат таълим стандартларини жорий этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизмини ишлаб чиқиш»ни алоҳида таъкидлади. Таълим тизимининг ҳар бир босқичида ўзига хос, жаҳон андозаларига мос стандартлар бўлиши керак.

Бу масала бугуннинг энг долзарб мавзуси, уни ҳал қилиш эса бу борада хизмат қилаётган мутасаддиларнинг вазифаси.

Шу маънода келгуси ҳафта Республикамизда таълим стандартлари мавзуси биринчи планга чиқади, десак хато бўлмас. Чунки унда мутахассислар тўплаган барча тажрибаларини ўртоқлашиб, вазифаларни конкретлаштириб олиш учун илмий-амалий семинарлар ўтказилади.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва Андижон вилояти ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси билан биргаликда (9-10 сентябрь) «Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиққан ҳолда давлат таълим стандартлари вилоят инспекцияларининг фаолиятини такомиллаштириш» мавзуида республика семинар-кенгаши ўтказилади. Номланишидан англашилиб турибдики, мавзу жуда долзарб. Семинар-кенгашда бугунгача бу борада нима ишлар қилинди, улар Йўлбошимиз айтаётган талабларга жавоб берадими? Жавоб бермаса, бу муаммони қандай ечишимиз керак? Хорижнинг ривожланган таълим стандартларини қандай ўрганамиз ва қайси жиҳатларини оламиз? Таълим стандартларида миллий мезон бўладими? Фикримизча семинар-кенгашнинг асосий мақсади мана шундай саволларга жавоб излаш бўлиши керакдек.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳам (10 сентябрь) «Олий ўқув юртларида давлат аттестацияси ва аккердитацияси ўтказишни такомиллаштириш»га бағишланган семинар-кенгаш ўтказади. Бу тадбир ҳам сессияда сўзланган нутқдан келиб чиққан бўлиши табиий.

Хулосани эса бу семинар-кенгашларга қатнашиб, шароитни ўргангачгина чиқариш ниятидамиз.

Х. ОМОНОВ.

ЮРТНИНГ ЯНГИ ЮТУҒИ

Ҳар қандай заруриятнинг остида муайян вазифа ётади. Бордию бу вазифа бажарилмаса ўзгармас қонуниятнинг бузилганлигидан дарак.

Ижтимоий ҳаётдаги ҳар бир соҳа ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб янгиланади, ривож топади. Шу янглиг маънавият ҳам ўз экинзорига эҳтиёжига керакли зироатни экади.

Ватанимиз ўз эркини қўлга киритганидан сўнг, ўзи ўзбек бўла туриб, ҳатто ўзбекча ўйлай олмай қолган ақл, энди ўтмиш пойига тиз чўкишга маҳкум бўлиб қолди. Зеро, шундай бўлиши ҳам керак эди. Нега «керак»лигини қадимги юнон файласуфи Августин шундай исботлайди: «Агар ғафлатда ётган халқни уйғотмоқчи бўлсанг, даставвал унинг тарихини уйғотгин».

Бугун халқ уйғонди, демак, ўтмиш уйғонди. Бироқ шу нарса ҳам аён бўлдики, ўтмиш фақат сабоқ беришга қодир экан. Тарихнинг шонли ютуғига, ота-боболар заковатига муносиб бўлиш эса ўзгача масъулиятни елкалатиб қўйди. Мана шу масъулиятни ҳис қилган ҳолда ўтган олти йил мобайнида қатор чора-тадбирлар ўтказилди, ўтказилаяпти. Дейлик, ҳали шов-шувлари совуб улгурмаган «Шарқ тароналари» фестивали ҳақида...

Дарҳақиқат, кўҳна Самарқанднинг юраги — Регистон майдонида бир ҳафта давом этган «Шарқ тароналари» фестивали якунланди. Ўтган кунлар давомида фестивалдаги кундалик жараён турли оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиб борилди. Албатта бундан ҳаммамизнинг хабаримиз бор. Аммо шу нуқтада ҳақли бир савол туғилади. Мана, фестиваль ҳам якунланди. Хўш, шу билан нима ўзгарди? Асли фестивалнинг ўтказилишидан мақсад нима эди?

Маънавиятнинг ривожи ботиний кечадиган жараён. Бу жараённинг маҳсули муайян вақтлардан сўнггина ўзини зоҳир этади. Шу нуқтаи назардан олганда ушбу юксак тадбирнинг ҳозирча шуниси аёнки, шундай улкан халқаро фестиваль илк маротаба Ўзбекистонда бўлиб ўтди. Ва шу баҳона халқимизнинг миллий фазилатлари, яна кўп ишларга қодирлиги жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатларига намойиш этилди.

Халқаро мусиқа кенгаши бош котиби Ги Юо фестиваль хусусида гапирар экан: «Ўзбек халқи ҳар бир соҳада беназир санъат соҳиби эканлигини бутун дунё кўз ўнгида намоён этмоқда» каби сўзларни айтиб ўтди. Ёки Харуми Кашуба, фестиваль ҳакамлар ҳайъати раиси: «Самарқанд эшитганимдан ҳам ортиқ гўзалроқ экан. Бу гўзалликни одамлар чеҳрасидаги самимият ҳам исботлаб турибди» сингари сўзлари ҳам ҳар биримизни ғурурлантириши турган гап.

Алқисса, фестивалнинг бугун ҳар бир ўзбекни фахрлантирадиган жиҳати бор. Ахир «Шарқ тароналари» халқаро мусиқий фестивали муаллифи — Ўзбекистон! Мустақил Ўзбекистон! Бу эса юртимизнинг навбатдаги янги ютуғи. Яна йиллар ўтар, бу маънодаги тароналар танлови бутун Шарққа, балки дунёга ёйилар, нима бўлганда ҳам бино қилиш билан сайқал бериш бошқа-бошқа-ку!

Фестивалнинг халқаро аҳамияти озарбойжонлик 22 ёшли истеъдодни — Симара Имоновани кашф этди. Ҳали ҳеч бир қўшни давлатларда бундай натижага эришилмаган.

Кези келганда шуни ҳам айтмоқ жоизки, «Шарқ тароналари» фестивали тарихи, тақдири, тили, дили бир-бирига яқин бўлган халқларни янада бирлаштирмоқда. Фикрларимиз баёнида фестиваль голиблари ҳақида сўз юритмадик. Негаким, бу йирик танловда иштирок этишнинг ўзи голиблик эмасми?! Йўқса айтиш мумкинки, фестивалдаги энг тўнғич голиб — дўстлик!

Хуллас, муҳтарам Президентимиз айтганидай, «Самарқандда очилаётган мусиқа фестивали анъанавий бўлиб қолади ва Шарқ халқлари куй ва оҳангларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади».

Алишер НАЗАР.

СУРАТДА: Фестивалнинг энг олий мукофоти — Гран-при совриндори Симара Имонова ҳамкасблари даврасида.

МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

Қадрли ва ҳурматли Ўзбекистон Президенти

Ислом Каримов жаноби олийлари!

Биз Сизга нафақат оддийгина РАҲМАТ демоқчимиз, балки катта ҳарфлар билан ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН эришган зафарлари учун ТАШАККУР билдирмоқчимиз.

Биз, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳайъати аъзолари, шахсан Сизни ва Ўзбекистон ҳукумати аъзоларини ҳамма учун очиқ, бағри кенг ва меҳмондўст ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН юзага келгани билан табриклаймиз.

Ўзбекистон ўз заминида бутун дунё маданиятини қутлаб қабул қилаётганига жумлаи жаҳон гувоҳ бўлиб турибди.

Ниҳоятда гўзал ва самарали ташкил этилган мусиқа фестивали бизни Ўзбекистон мусиқаси мукаммал ривожланиб, равнақ топишига ва жаҳонда тинчлик кўпригисифатида хизмат қилишига ишонтиради.

Ислом Каримовга, бугунги Ўзбекистонга ва унинг муқаррар келажагига шон-шарафлар бўлсин!

«Шарқ тароналари» ҳайъати:

Кашуба Харуми (Япония) — ҳайъат раиси.

Ҳайъат аъзолари:

Шанта Сарабжит Сингх (Ҳиндистон),

Сорайя Мансор (Малайзия),

Лорел Виктория Грей (АҚШ),

Сянь Янь (Хитой),

Хан Муин Хи (Корея),

Иззет Оз (Туркия),

Норико Айкава (ЮНЕСКО),

Анжелика Юнг (Германия),

Фатхи Ал-Хамиси (Миср).

Самарқанд шаҳри, 1997 йил 31 август



ЯНГИ ЖУРНАЛ ТАҚДИМНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида мазкур даргоҳ муассислигида нашр этилаётган «Жамият ва бошқарув» журналининг тақдимномаси бўлиб ўтди. Унда республикамиздаги чет эл давлатлари элчилари, хорижий давлатлар дипломатик корпуслари вакиллари, таниқли олимлар ва халқ зиёлилари ҳамда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар ва мамлакатимиз журналистлари қатнашдилар.

Мамлакатимизда Мустақилликнинг 6 йиллиги кенг нишонланаётган бир пайтда мазкур журналнинг нашрдан чиқиши ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги муҳим ва қувончли воқеаларнинг бири бўлди. Йиғилганларни «Жамият ва бошқарув» журнали тўғрисидаги батафсил маълумотлар билан академия проректори, журнал бош муҳаррирининг ўринбосари Нажмиддин Комилов таништирди.

«Жамият ва бошқарув» журналининг илк сонини варақлаб кўрсангиз, дарҳол унинг ўзига хос йўналиши, ўз мавзулари доираси борлигини сезишингиз мумкин.

Журнал ҳаёт талабидан келиб чиқиб, давлатчилик назарияси, демократия ва ҳуқуқий маданият, давлат ва маънавият, давлат ва ҳокимият тизимлари, бошқарув санъати, жамият ташкилотлари ва давлат, ҳокимият органлари орасидаги муносабатларни такомиллаштириш билан боғлиқ хилма-хил масалаларни ўз саҳифаларида ёритиб боради. Тадбирда сўзга чиққанлар ушбу журнал миллатни янги поғонага кўтаришда муҳим ўрин тутмоғи ва тезда ўз мухлисларини топиб, уларнинг севимли нашрига айланмоғига ишонч билдирдилар.

Нурлан УСМОНОВ, «Маърифат»нинг махсус мухбири.

• Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз Президенти номига Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Қироличаси Елизавета II, Япония Императори Акихито, Германия Федератив Республикаси Президенти Роман Херцог, Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам, Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Ле Дик Ань, шунингдек Югославия Иттифоқ Республикаси, Озарбойжон, Туркманистон, Беларус, Тожикистон Республикалари раҳбарлари табрик мактуби йўлладилар.

• Қозоғистон Президенти Баҳрайнга ташриф буюриб, бу ерда мамлакат амири билан савдо-иқтисодий масалалар ва Яқин Шарқдаги аҳвол хусусида музокаралар олиб борди.

JUMLADA JAHON

• Тожикистон ҳукумат қўшинлари Р.Садировнинг қуролли тўдасига қарши жанг қилиб, гаровда ушлаб турилган Тожикистон муфтийси О.Неъматзода ва унинг укасини озод қилдилар.

• Афғонистонда жанглар давом этмоқда, толибонлар ҳам, Аҳмад Шоҳ Масъуд қўшинлари ҳам бир-бирларининг ҳужумларини қайтариб турибдилар.

• Камбоджа қироли Нородом Спанук мамлакатдаги барча қарама-қарши кучлар ва сиёсий гуруҳларни биргаликда норасмий тинчлик музокараларини ўтказишга чақирди.

Aks sado

«ОТА БЎЛИШ ОСОН, АММО...» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ

Инсон жисмоний меҳнатдан ҳориб дам олаётганда газета ёки журнал варақлаб ҳордиқ чиқарса, ҳузур қилади. Айниқса, дилингизда бўлиб, тилингизга чиқмаган фикрлар баён этилса, янада завқланасиз.

«Маърифат» газетасининг шу йил 30 апрель сонида Луқмон Бўрихоннинг «Ота бўлиш осон, аммо...» деб номланган мақоласини ўқиб қолдим. Мақолада баён этилган фикр менинг диққатимни тортди. «Оилаларга ота нафасини, ота иродасини қайтариш пайти келди. Назаримда тотув оила,соғлом авлод тарбиясида оталар ижроси андак оқсаётгандек...», — деб баён этилган фикр айни бугунги кўплаб оталарга қарата айтилгандир. Мактабда ишлаганим учун кўпроқ ота-оналар билан болалар ҳақида суҳбатлашишга тўғри келади. Оналар ҳақиқатда меҳрибон бўладилар. Болаларнинг айбини ҳатто оталарига айтмайдилар ҳам. Бу билан улар катта хатога йўл қўяётганликларини, эртага фарзанди нотўғри йўлга кирганда отасига айтиб ҳам бу йўлдан қайтара олмаслигини эҳтимол билмас.

Ўғлининг тартиббузарлиги, ўқитувчилар сўзини олмаслигини айтиш ва уни тўғри йўлга бошқариш мақсадида бир ўқувчининг отаси билан суҳбатлашгани бордик. Бизни она кутиб олди. Биз мақсадга кўчдик. Ўғлининг тарбиясидан шикоят қилишимизни билган она, ота ишдан қайтиб ухлаётганлиги, бундай пайтда безовта қилиб уйготишнинг иложи йўқлигини айтиб биздан узр сўраган бўлди.

Синфдош дўсти билан муштлашган боланинг отасини мактабга таклиф қилдик. Қарангки, хонага она кириб келди. Ўғлининг қилмиши учун кечирим сўраб, бундан кейин (ўғлининг номидан) бу ҳолнинг такрорланмаслигига сўз берди. Отасининг нега келмаганини сўраганимизда унинг жаҳли ёмонлиги, агар бу ҳолни эшитса, ўғлини қаттиқ жазолашини, шу боис бу ҳодисадан хабарсиз эканлигини айтди.

Бу ҳолни эшитиб хаёлга толдим. Кўз ўнгимда ёзувчимиз Саид Аҳмад қаламига мансуб «Уфқ» романидаги ўлимдан қўрқиб урушдан қочган, қишлоғи атрофидаги қамишзорда бекиниб юрган Турсунбой ва унга одамлардан, ҳатто эридан яшириб егулик ташиган Жаннат холанинг тақдири гавдаланди. Боланинг тарбиясидан отанинг ороми устун турса ёки болани ота жазосидан эҳтиётласак, раъйи қайтмаган, она ҳимоясида вояга етган бола эртага йигит бўлганда, она қадрини биларми-кин?

Яқинда мактабда 4-синф ўқувчилари билан «Хайр, биринчи ўқитувчим» деб номланган тадбир ўтказдик ва ўқувчиларнинг ота-оналарини ҳам таклиф этдик. Тадбирга фақат оналар келишди. Фақат битта ота (у ҳам зарурат юзасидан) хурсандчилигимизга шерик бўлди.

Демоқчиманки, оналарнинг меҳрибонлиги мудом зарур, лекин оталарнинг таъсири-чи? Оилада бош бўлган ота нега ўз оиласида бўлаётган воқеалардан бехабар қолиши керак?

Ҳа, менинг назаримда Луқмон Бўрихон ўз мақоласида «Болаларнинг соғлом, маънавий камол топиши учун ота кўпроқ масъулдир», — деб ҳайқиришга тўла ҳақлидир.

Абдулла ТУРСУНОВ, Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани 8-мактаб ўқитувчиси.

ММММ ХАБАРЛАРИ

МАКТАБЛАР СОНИ КЎПАЙМОҚДА

Ромитан тумани халқ таълими бўлимига қарашли билим масканлари сони яна биттага кўпайди. Хўжаликлараро кўчма механизациялашган жамланма бинокорлари Файзи Қурбонов номли жамоа хўжалигида 320 ўринли ихчам ва шинам мактаб биносини фойдаланишга топширдилар.

Д. ЖАББОР.

КЕНГАШДАГИ КЎРГАЗМА

Денов туманидаги И. Тўраев номли жамоа хўжалигининг истироҳат боғида халқ таълими ходимларининг анъанавий кенгаши кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Барча мактаб, болалар боғчалари, мактабдан ташқари муассасалар вакиллари лотин ёзуви асосида ишланган кўргазмаларини, тўгаракдаги ишлари намуналарининг ажойиб кўригини ташкил этишди. Бу ерда I-XI синф ўқувчиларининг либослари ҳам намойиш қилинди.

Н. ТОЖИМУРОДОВ.

«БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН»

Андижон вилоятининг мактабдан ташқари муассасалари ўқувчилари орасида худди шу мавзуда кўрик-танлов ўтказилди. Унда туман ва шаҳарларнинг 15 та голиб гуруҳи иштирок этдилар. Мусобақа якунига кўра, Марҳамат шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар ижодий маркази ўқувчилари гуруҳи биринчи ўринни, Андижон вилоят ўқувчилар саройи гуруҳи иккинчи ўринни, Избоскан туман ёш табиатшунослар маркази ўқувчилари гуруҳи учинчи ўринни эгалладилар.

Голиблар Андижон вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ташкил этилган телевизор, магнитофон, гилам билан тақдирландилар.

Ш. КЕЛДИЕВ.

Aks sado

КАМАРБАСТА БЎЛАЙЛИК!

Келажаги буюк давлатимизнинг мустақиллик, озодлик ва туб ислоҳотлар йўлидан дадил одимлаётганлигига ҳам олти йил бўлди. Бу даврда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий жараёнлар ҳаётимизнинг барча соҳаларини тўла қамраб олди ҳамда улар турмуш тарзимиз, онгимизга чуқурроқ кириб бормоқда.

Мамлакатимизнинг буюк истиқболига интилаётган фуқароларимиз Ватанимизнинг қадр-қиммати, миллатимизнинг шаъни эканини англаб истеъдодини, бутун имкониятини, кучини эл-юрт равнақига бахшида этмоқда. Мана, шундай масъулиятли ва хайрли ишларга педагоглар ҳам ўз улушларини қўшаётганлиги ғоят фахрлидир. Яқинда Тошкент вилояти Қибрай тумани халқ таълими ходимлари республика педагогларини янада самарали фаолиятга чорловчи даъват билан чиқдилар. Унда қибрайлик муаллимлар мустақил юртимизда педагогларга алоҳида ғамхўрлик қилинаётганлиги, шунингдек илм равнақи йўлида қабул қилинаётган қатор қонун, дастур ва муҳим ҳужжатлар дастуриламал вазифасини ўтаётгани ва бошқа масалалар ҳақида батафсил сўз юритганлар. Қуйида эълон қилинаётган қибрайлик маорифчиларнинг қалб сўзлари Сиз аҳли муаллимларни эътиборсиз қолдирмаслигига имонимиз комил.

Мустақиллик байрами арафасида ўз ишини якунлаган Ўзбекистон Олий мажлиси сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» ҳаммамизнинг қалбларимизни тўлқинлантириб юборди. Чунки бу ҳужжатлар узоқ муддатга мўлжалланган бизнинг дастуруламалимиз бўлиб қолишини тўғри англаймиз. Улар зиммамизга қўшимча масъулият юклашини яхши тушунамиз. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқувчилар ва ўқитувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори биз учун навбатдаги ғамхўрлик эканлиги ҳам нур устига нур бўлди. Буларга жавобан ўз касб маҳоратимизни, билим ва тажрибамизни, қалб қўримизни ўқувчиларимизга чуқур билим бериш, юқори маънавият руҳини сингдириш учун сарфлайлик. Зеро, халқи билимдон элнинг давлати кучли бўлади, деган нақл нақадар тўғрилигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Биз, барча педагоглар, юртдошларимизга мурожаат қилиб шуни айтмоқчимизки, болалар боғчалари ва мактабларда ўргатиладиган билимларни пухта ўзлаштириш жамоатчилик, оила, барча фуқаролар бир ёқадан бош чиқариб, фарзандларимизнинг ҳақиқий саводхон бўлишларига ўз ҳиссамизни қўшайлик. Мана шу йўл билан муаллимларнинг ўзимизнинг обрў-эътиборимизни оширайлик. Халқимиз қанчалик тез саводхон ва билимдон бўлса, давлатимиз шунчалик тез равнақ топади, буюк бўлади.

Азиз ватандошлар! Ҳар қандай муваффақиятнинг гарови уни амалга оширадиган инсоннинг ақл-заковати, билимдонлиги, фидойилиги билан ўлчаниши ҳеч кимга сир эмас. Бунга эришиш учун миллий мафкурамизни ривожлантиришимиз лозим. Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳи негизида қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялаш йўлида хизмат қилдиришни ҳар биримизнинг она юртимиз, халқимиз олдидаги бурчимиз деб билайлик! Биз, Сизларнинг маънавияти комил инсонларни тарбиялаб, вояга етказишда «Оила-боғча-мактаб-маҳалла» ҳамкорлигини кучайтиришда ҳамжиҳат бўлишингизни истаймиз. Токи, ҳозирги авлодимиз фаровон ҳаётимизнинг фаол қатнашчилари, бунёдкорлари бўлсинлар! Зеро, янгиланган, замонавий таълим тўла маънода янгича тафаккур, соғлом фикр демакдир. Соғлом фикрли инсонга эса ҳамма вақт эзгу мақсадлар ҳамроҳ бўлади. Пок ва софдил шахсни тарбиялашда оила, маҳалла, қўни-қўшничилик, ўзаро ёрдамни ривожлантирайлик. Бу соҳада лоқайдликка йўл қўймайлик!

«Биз келажакка катта ишонч билан қараяпмиз, ҳар биримиз шу муқаддас заминга фарзандлик бурчимизни тўғри ва тўлиқ англаб, ўз масъулиятларимизни бўйинга олиб фидойилик билан меҳнат қилсак марра бизники!» Республикамиз Президенти Ислом КАРИМОВ билдирган мана шундай мақсадларни рўёбга чиқаришда, Ўзбекистоннинг ўзлигини курраи заминга танитишда ҳеч биримиз четда қолмайлик!

Кўриниб турибдики, сатрларга тўкилган туйғуларда маорифимизни янги, юқори босқичга кўтариш иштиёқи ёрқин акс этган. Зотан, халқимизда «Илм равнақи — эл равнақи» деган нақл бор. Дарҳақиқат, илгаридан бу қадим тупроқда илм олиш қадрланган. Илмли кишилар эса эл-юрт ардоғида бўлганлар. Шунинг учун ҳам қибрайлик халқ таълими ходимлари билим олиш ва олинган билимни мамлакатимиз тараққиёти йўлида хизмат қилдириш ҳамма-ҳамманинг инсоний бурчи эканлигини тўғри таъкидлаётирлар. Демак, келажаги порлоқ бўлган давлатимизни ривожлантиришда ўзларини ҳар томонлама намоён қила оладиган инсон сифатида қатнашадиган, ёш авлодга таълим-тарбия беришда азиз мураббийларимизнинг ўрни алоҳида. Биз эса педагогларимизга бу нурли йўлда қатъият ва садоқатлилик фазилатлари ҳамиша ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз. Зеро, муваффақиятларнинг сири ҳам ана шу икки каломдадир.

Yangicha pedagogik texnologiyaga keng yo'l

ЯҚИНЛАШУВ

Матбуотда қузатишимиз бўйича йил бошида мудирлар учун янги педагогик технология асосида ўқитишнинг афзалликлари хусусида семинар бўлиб ўтган эди. Бу янгилик мудир ва методистлар томонидан бизнинг лицейимизга ҳам етиб келди. Суҳбатлашиб олдик. Янги педагогик технология балл асосида баҳолашни тақозо этади. Биз ҳам балл асосида баҳолашга сўнгги икки чоракда синов тариқасида ўтдик. Олдинги баҳолашдан воз кечдик. Ўқувчиларни изланишга ўргата бошладик. Агар ўқувчининг ўзи изланиб илмий тушунчани топса, у илм ҳеч қачон эсдан чиқмайди. Ўқитувчининг айтгани тез эсидан чиқиб кетиши мумкин.

Журналга баҳо қўймай, алоҳида рейтинг дафтар тутдик. Бу иш учинчи чоракда давом этди. Мен нима қилдим? Берилган саволга жавоб топиб келган ўқувчини баҳолашга ҳаракат қилдим. Ўқувчиларни кўпроқ кутубхонага қатнашга ундай бошладим. Ҳар кун, ҳар дарсда сўраб балл қўйишга ҳаракат қилдим. Чорак охирида қандай бўлиши энди ўқувчи учун қизиқарли. Шу боис улар ўзлари олган балларини ёзиб, ҳисоблаб борадиган бўлишди. Хуллас, ўқувчиларда интилиш, қизиқиш кучайди.

Биз уларга ақлий меҳнатни ташкил қила билишни ҳам ўргатишимиз керак. «Нимани, қандай қилиб?» Бу саволга ўқувчининг ўзи жавоб топгани маъқул. Албатта, ўқитувчи — бош ёрдамчи. Чоракда икки маротаба тест синови ўтказиб турдик. Янги технология болаларни «жонлантирди». Чорак охирида натижа нима бўлди? Чораклик баҳолар — баллар ҳисобланиб, фоизлар асосида чиқарилди. Қизиғи шуки, чораклик баҳолар олдинги чоракдагига нисбатан пасайди, аммо илм чуқурлашди ва кенгайди. Бизга ҳам айнан шу керак эди.

Бундан ташқари, бизга таълим маркази томонидан тавсия этилган Абдураззоқ Рафиев, Тунжай Ўзтурк муаллифлигидаги «Ўзбек тили ва адабиёти фанидан ўқувчилар билимини рейтинг тизимида баҳолаш» китобчаси қўлланма бўлмоқда. Ундан фойдаланиш мактаб ва ҳаёт орасидаги масофа, ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабатни яқинлаштирмоқда. Энди назоратчи инспекторлар ҳам ортиқча бошни қотирмай рейтинг асосида баҳолаш дафтарини текширса, ўқувчилар билими билан чин дилдан қизиқса, нур устига нур бўларди.

Юқоридаги фикрлар қисман билим ҳақида эди. Энди тарбия хусусида. Биз маънавият ва тарбия ишлари бўйича жуда кўп ишларни қилишимиз лозим. Янги давр нуқтаи назаридан махсус дастур вазирлик томонидан ишлаб чиқилган. Аммо унинг ҳаракатини жонлантириш керак. Энди юзакилик кетмайди. Мен 11-синфга раҳбар бўлганим учун синф ўқувчиларининг тарбиясини ҳам педагогик, ҳам психологик жиҳатдан яхши билиб олиш учун оилаларга бориб, ота-оналардан психолог Нурмат Соғиновнинг «Болангизни биласизми?» деб номланган саволларидан тест ўтказдик. Олдин ўзим уларга психологик тавсифнома ёзган эдим ва тест асосида ота-оналарнинг балл натижаларига қараб икки ҳолатни қиёслаб кўрдим. Фикрлар ҳар хил чиқди. Қаранг, тарбиянинг ниҳоятда мураккаб эканлиги шунда-да. Отаси билмаган томонини мен биламан, мен билмаганимни отаси беради, биз билмаганимизни эса кўчада кўрганлар билади. Лекин битта нарсадан хурсанд бўлдим. Энг юқори балл 65 балл бўлди. Бу Нодира Сапарова деган ўқувчининг отаси олган балл эди. Энг қуйи балл эса 45 баллни ташкил қилди.

Хуллас, қизиқарли воқеалар ва синовлар кўп. Натижани эса болалар ўқишга кирган-кирмаганидан кейин сарҳисоб қиламиз.

Тоҳир РЎЗИБОЕВ,
Тўрткўл туманидаги 54-сон лицей-мактаб ўқитувчиси.

ҚУВОНЧЛАРИ ЎЗГАЧА

Жиззах шаҳридаги Кўтарма маҳалласи ҳудудида жойлашган меҳрибонлик уйига янгича шукуҳ киргандай бўлди. Бу масканда бир неча миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. 90 ўринга мўлжалланган бу даргоҳда эндиликда барча қулайликлар мавжуд. Шу боис, Мустақиллик байрами бу ерда тарбияланаётган болаларга ўзгача қувонч ҳадя этди. Тантанали кайфият эса, болаларни ҳали-ҳануз тарк этгани йўқ.

Мухбиримиз.

КАСБГА БАХШИДА УМР

Наманган вилоятининг Чортоқ шаҳридаги 10-ўрта мактаб нафақат туман ва шаҳарда, балки вилоятда ҳам энг илғор мактаблардан ҳисобланади. Мактабда таҳсил олаётган ўқувчилар шаҳар бўйича ўтказиладиган турли хил тадбир ва танловларда муваффақият қозониб, бир неча бор вилоят ва жумҳурият босқичларида иштирок этишган. Лекин биз бу мақоламизда мактаб ҳаёти ҳақида эмас, балки ушбу жамоадаги фидойи муаллима ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Зеро, ҳар бир жамоанинг муваффақияти унинг аъзоларини қанчалик жонкуярлиги билан боғлиқдир.

Зубайра Олимжонова ушбу мактабнинг ана шундай фидойи муаллимларидандир. У киши 30 йиллик муаллимлик фаолиятларини айнан бир мактаб, ана шу 10-мактаб билан боғлагандирлар.

— 1967 йил илк бор муаллимлик фаолиятимни бошлаганман, — дея сўз бошлади Зубайра опа. — Наманган давлат университетининг бошланғич таълим факультетини тамомлаганман. Мана шу давр мобайнида бир неча авлод йигит-қизларга алифбо танитдим.

Мактаб директори Р. Мирзамаҳмудовдан ҳам муаллима ҳақида илиқ фикрлар эшитдик: «Зубайра опа ҳеч шубҳасиз мактабдаги тажрибали муаллималардан. Айниқса, ўқувчилар билан тез тил топиша олади. Шу сабабдан мактабда илк бор 5 йиллик чуқурлаштирилган синф у кишига ишониб топширилди. Натижа эса кутганимиздан ҳам зиёда бўлди. 1996 йил якунларига кўра синфдаги 25 нафар ўқувчининг 96 фоизи дарсларни яхши ўзлаштирди. Умуман у киши ўқувчилари билан фахрланса арзийди. Чунки улар эришган барча ютуқлар Зубайра опанинг ҳам ютуғи. Шу маънода Тўйалиева Маҳфузанинг чиройли ёзув бўйича республика танловида иштирок этишида ҳам бевосита у кишининг ҳиссаси катта. Шу йиллар давомида дарс берган ўқувчиларидан кўпчилиги муаллиматлиги ва ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Ҳаётимизда ҳеч ким четда қолмайлик!

Ҳаётимизнинг ҳар бир лавҳасида, ҳар бир ишимизда, ҳар бир ютуғимизда ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик ҳеч ким ва ҳеч нарсадан устун бўлиши лозим. Ана шундай ишларимизнинг

«МЕҲР ЛОЙИҲАСИ» — ЎЗБЕКИСТОНДА

Ногирон болалар ҳимоя-га муҳтож. Илк ёшидан уларнинг касалликларини ўрганиш, реабилитация қилиш талаб этилади. Ҳозирги вақтда ривожланган давлатларда махсус таълимни очиқ таълим тизимида ҳам қўллаш муаммолари кўтарилмоқда. Бунга Ўзбекистондаги махсус таълим муассасалари ҳам хайрихоҳлик билдиришаяпти. Буюк Британиядан рўйхатдан ўтган «Меҳр лойиҳаси» Ўзбекистондаги соғлиги ночор болаларга меҳр-мурувват кўрсатишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ногиронларни ўқитиш, тарбиялаш жараёнида мавжуд бўлган муаммолар бу лойиҳа ижодкорлари томонидан ўрганилди. Профилактика, диагностика, реабилитация ишларига ёрдам бериш мақсадида Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан ҳамкорликда тузилган шартномага биноан қатор ижобий тадбирлар ўтказган Буюк британияликларнинг ниятлари холис.

Чунончи, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда «Меҳр лойиҳаси» ташаббускорлари мактаб-интернат ва махсус болалар уйида таълим олаётганларнинг ақлий, жисмоний ривожланиш хусусиятларини ўрганиб чиқишди.

1996 йил ноябрь ойида америкалик доктор Харлем Тепхард бошчилигидаги гуруҳ Тошкент шаҳар Ҳамза туманида жойлашган 30-меҳрибонлик уйининг 140 дан зиёд болаларини шу атрофдаги маҳалла ўсмирлари ривожланиш хусусияти ва саломатлигига таққослаш бўйича диагностик текширув ишлари олиб боришди. Замонавий тиббий-психологик-педагогик техник усуллар, метод ва воситаларни қўллаш тартиби ҳақида давра суҳбатларининг ўтказилиши, тиббий ва халқ таълими мутасадди ходимлари билан ўзаро тажриба алмашув уларга кўп нарса берди. Қелгусида барча турдаги ногирон болаларга тиббий, моддий, техникавий ёрдам бериш йўл-йўриқлари ҳақида иккала томон режалар тузишга муяссар бўлдилар.

Бу хайрли ишнинг иккинчи босқичи 1997 йил 30 мартдан 23 майгача жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда «Меҳр лойиҳаси» доктор Нийл Роджерс бошчилигида ташкил қилиниб, унда Тошкент давлат педиатрия тиббиёти олий ўқув юрти доктор, ассистентларига ҳавола этилди. Улар республикамиздаги барча кўзи ожиз болалар муассасалари, жумладан Тошкент, Наманган, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Хива ва Қарши шаҳарларидаги шу турдаги мактаб-интернатларида ҳам бўлишди. 500 дан ортиқ болаларни диагностик текширувдан ўтказдилар. Бундан мақсад, кўзи ожиз бўлиш сабабларини ўрганиш, унинг олдини олиш, реабилитация ёрдами кўрсатишдан иборат. Диагностик текширувдан ўтказилган ҳар бир боланинг йўлланма анкеталари тўлдирилиб, программалаштирилиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига юборилди. Уларни Тошкентдаги марказий болалар клиникасида операция қилиш чора-тадбирлари белгиланди. Бундай диагностик тадбир Марказий Осиёда биринчи маротаба ўтказилди. Бу натижалар шу йил кузда «Меҳр лойиҳаси» томонидан ташкил қилинадиган симпозиумга тақдим қилинади. Ҳар бир кўзи ожиз боланинг кўриш қобилиятини мумкин қадар тиклашга эришишимиз керак. Хайрли ҳамкорлик келажакда самара беришига ишонгимиз келади.

Р. ШОМАҲМУДОВА,
Республика Таълим маркази дефектология бўлими мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент,
Жим РОУЦ, халқаро «Меҳр лойиҳаси»нинг директори.

Xorijda ta'lim

ОЛМОНИЯДА ҲУНАР ТАЪЛИМИ

Агар олмониялик ўсмир ўзининг келажагини махсус тайёргарликни талаб қиладиган аниқ бир соҳа билан боғламоқчи экан, бунинг учун у ишлаб чиқариш корхоналарида ҳунар ўрганишни, ҳунар мактабларига қатнаш билан бирга олиб боради. Бундай турдаги ўқиш учун қандайдир маълум мактаб билими бўлиши шарт эмас. Барча ёшлар дуал системаси бўйича ҳунар ўрганишлари мумкин.

Бу система ўзининг характерли белгилари билан кўп давлатлардаги мактабларда касб-ҳунар ўргатишдан фарқ қилади.

Дуал система бўйича ўқиш-ўргатишнинг кўп қисми мактабда эмас, ишлаб чиқаришда ўтади.

Ўқувчи ишлаб чиқариш корхонасида шогирд ҳисобланади ёки давлат ишчиси деб тан олинади. У вақтивақти билан ҳунар мактабига бориш учун ишдан озод қилиб турилади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида ҳунар ўргатиш замоннинг сўнгги талабларига жавоб берадиган техника воситалари ёрдамида олиб борилади. Дуал система бўйича ўқиб чиққан ҳунар эгаси ўқишни тугатиши билан юқори малакали ишчига айланади. У юқори талаблар қўйилган ишларни бажара олади. Мактабларда ўқишнинг 60 фоизи ҳунар-касб ўргатишга мослашган, 40 фоизида эса умумтаълим фанларидан сабоқ берилади.

Ҳунар ўргатишнинг биринчи йилида танланган касб-ҳунарнинг барча асосий томонлари кенг ўргатилади. Иккинчи йили танланган ҳунарнинг барча икир-чикирлари ўргатилади, ҳаттоки, тоифа ҳам берилади. Бу эса ишчининг келажакдаги меҳнат жараёнида ўз касби бўйича ишлашида катта аҳамиятга эгадир.

Танланган ҳунарнинг турига қараб ўқиш-ўрганиш муддати 2 йилдан 3,5 йилгача давом этади.

1968 йил касб-ҳунар эгаллаш қонунига кўра, бу муддат қисқартирилиши ёки узайтирилиши мумкин. Бу ҳақдаги қарор ҳунар ўрганувчининг аризасига мувофиқ, ишлаб чиқариш корхонасида ҳал қилинади.

Олмонияда ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси ҳунар ўргатишга мажбур эмас ва ҳеч бир ўсмир бу жараёнда қатнашишга мажбур қилинмайди. Шунга қарамасдан, мактабни тамомлаган барча ёшлар ҳунар ўрганишга ҳаракат қиладилар. Шу билан бир қаторда ишга яроқли барча ишлаб чиқариш корхоналари ҳунар-билим ўргатишда қатнашадилар. Шундай ишлагандагина ишлаб чиқариш корхоналарининг юқори малакали ҳунар эгаларига бўлган талаби қондирилади. Бу уларнинг рақобатбардошлигини таъминлайди.

Лекин ўсмир ҳунар ўрганиб бўлганидан кейин шу корхонада қолиб ишлашга мажбур эмас, корхона ҳам ҳаммани иш билан таъминлай олмайди. Шунинг учун ҳунар ўргатиш учун корхоналарнинг маблағ сарф қилишлари қалтис иш. Ҳозирги кунда Олмонияда 15-18 ёшгача бўлган ўсмирларнинг ўндан бир қисми дуал система бўйича ўқишни тамомлаяпти.

Кейинги йилларда Олмонияда ишчи ёшларнинг сони сезиларли даражада камайган. Бунда дуал система билан касб-ҳунар ўргатишнинг роли сезиларлидир. Олмониядаги касб-ҳунар ўргатиш системаси халқаро аҳамият касб этди.

Олмония иқтисоди ўз капиталининг кўп қисмини юқори малакали ишчиларнинг меҳнати маҳсулидан олади.

Дилфуза ТЎЛАГАНОВА.
«Арсенал» АГ.

ЯНА КОМЕТА

Калифорния университетининг профессори Майкл Лоренцнинг маълум қилишича, сентябрь ойи охирида Ерга янги комета яқинлашади. Май ойида сайёрамиздан 200 километр масофадан ўтган Хейл-Бопп кометасидан фарқ қилиб, Лоренц кометасининг диаметри 3 километр бўлиб, олим тахминига кўра, Ҳиндистон ёки Хитойга комета думидан «учган» тошлар тушиши мумкин. Комета тунги осмонда ёп-ёруғ нуқта бўлиб, кўзга ташланади, демоқда олим.

КОСМОСДАГИ ТУРАР ЖОЙ

АҚШнинг Пристон университетининг машҳур футурологи Жерард Нейл янаги аср охирида тараққиётнинг асоси бўлувчи беш соҳани кўрсатмоқда. Булар: компьютер, автоматлаштириш, энергетика, алоқа ва космосдаги колониялар. Бугунги кундаги хаёллар у кунларда, олимнинг айтишича, ҳақиқатга айланади, яъни Қуёш энергиясидан фойдаланувчи алюминийли ликопчадаги одамлар Ой ва метеоритлардан фойдали қазилмалар келтириш билан шуғулланадилар.



«ҚЎШИМЧА» АҚЛ

Мия фаолиятининг ақлий меҳнат билан эртароқ шуғулланиши нафақат хотира мустаҳкамланишига, балки нерв ҳужайраларнинг ортишига ҳам олиб келди. Буни Калифорния университетининг олими Фред Кейч ўтказган тажриба ҳам тасдиқламоқда. Махсус ўйинхоналарида уч ой боқилган сичқончаларнинг хотира марказидаги нейронлар сони 15 фоизга ошган. Демак, нейронларни кўпайтирувчи номаълум гормонлар бўлиши мумкин.

НУЖга ИШОНЧ

Ғарбий Германияда ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига қараганда, сўралганларнинг 47 фоизи ўзга сайёраликларнинг Ерга ташриф буюриб туришига ишонади. Қолганлар бу тўғрисида аниқ фикрга эга эмас ҳамда жуда озчилик бундай ташрифга ишонмайди. Олтмиш ёшдан ошганларнинг аксарияти бу мавзуга умуман қизиқмаслигини билдирган.

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДАН

БУЮК БРИТАНИЯ. *Малика Диананинг автомобиль ҳалокати сабаб ўлими муносабати билан бу ерда мотам маросимлари бўлиб ўтмоқда. Дафн маросими шанбага мўлжалланган. Машҳур хонанда Элтон Жон унга бағишланган қўшиғини айтмоқчи. Маликанинг ўлими оммани қайғуга солди.*

Мамлакат полиция маҳкамасига унинг фожиали ўлими акс эттирилган суратлар тақдим этилган. Уларни фотожурналистларнинг ўзлари олиб келишган. Полициячилар эса уларни қасддан қилинмаган қотиллик, фожиадан сўнг ёрдам кўрсатмасликда айблаб, тергов остида ушлаб турмоқда.

* * *

ТОЖИКИСТОН. *Тожикистон ва Афғонистон орасидаги чегараларни қўриқлашга ёрдам бераётган Россия қўшинларининг айтишича, Панж дарёсини кечиб ўтмоқчи бўлган 5 киши ҳалок бўлди.*

* * *

ҚУДДУС. *Шаҳар марказида бомба портлашлари давом этмоқда. 3 марта портлатилган бомба натижасида 8 киши ҳалок бўлган, 140 нафар жароҳатланганлар бор.*

* * *

ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ. *Валюта нархлари пасайиб боргани сайин Малайзия молия вазири Анвар Иброҳимнинг айтишича қараганда, минтақа мамлакатлари халқаро валюта чайқовчилари бошлаган иқтисодий урушга қарши туриш учун қўшма ҳаракатлар бошлайдилар. Малайзия рингит валютаси пасайиб, Америка долларига 3 рингит тўғри келмоқда.*

Таиланд, Индонезия ва Филиппинда ҳам валюта нархлари пасайиб кетган.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН. *Президент ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясида «Жамият ва бошқарув» деб номланган журнал тақдимномаси бўлиб ўтди. Журнал Президент фармонига мувофиқ нашр этилмоқда. Журналнинг илк сони нашрдан чиқди. Масъул котиб Маҳмуд Саъдийнинг айтишича, уни ҳар уч ойда 5 минг нусхада нашр этиш мўлжалланмоқда. «Жамият ва бошқарув» расман академияга қарашли бўлсада, унинг мавзулари кўлами кенг. У жамиятнинг турли табақаларига ҳам мўлжалланган.*

«Би-Би-Си» узатган хабарлар.

«БИЗГА ЁРДАМ БЎЛАРДИ»

Ҳурматли таҳририят!

Мен узоқ йиллардан буён ўқитувчилик қилиб келаман ва барча билганларимни тўла-тўкис шогирдларимга етказишга ҳаракат қиламан. Албатта устозининг билим доираси қанча кенг бўлса, шогирдларники ҳам шунга яраша бўлади. Муаллим ўз билимини мунтазам бойитиб бориши зарур деб ўйлайман.

Бу борада бизга оммавий ахборот воситаларининг ёрдами беқиёс.

Аввалари, биз ўқитувчилар кўпгина республика нашрларига обуна бўлар ва мамлакатимиз ҳамда хориж ҳаётига оид барча янгиликлар, тафсилотларни ўқиб борар эдик. Ҳозир шароит тақозосига кўра, асосий нашримиз — «Маърифат»га обуна бўламиз, холос. Газетада ёритилаётган таълим тизимига оид барча хабарлар, янгиликлардан иш фаолиятимизда фойдаланиб борамиз. Агарда газетада хорижий давлатлар ҳаётига доир ахборотлар ва сиёсий хабарларга ҳам янада кенгроқ ўрин берилса эди, бу биз ўқитувчиларга катта ёрдам бўлар эди. Бу айни пайтда, ўқувчиларнинг сиёсий онгини шакллантиришимизда, уларни кенгроқ маълумотлар билан таъминлашимизда асқотиши, шубҳасиз.

Фозилжон АБДУЛЛА ўғли,
Ғаллаорол туманидаги 33-мактаб ўқитувчиси.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ушбу мазмундаги хатлар, қўнғироқлар, оғзаки сўровлар кўпаяётганлиги боис, бундан буён газетамиз саҳифаларида халқаро сиёсий ҳаёт янгиликлари, хориж хабарлари, жумладан хориж таълимига оид маълумотларни ҳам имкон қадар кенгроқ бериб боришни ният қилдик. Муштарийларимиздан эса, янги-янги таклифлар, мулоҳазалар битилган мактублар кутиб қоламиз.

САҲОВАТ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига жавобан Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларга шаҳар ҳокимлиги 8 миллион сўмлик кийим-бош (пойабзал, костюм, бош кийими) туҳфа қилди.

СУРАТЛАРДА: 21-меҳрибонлик уйида бўлиб ўтган совғаларни топшириш маросими акс этган. Маросимда Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Йўлдошев иштирок этди.

Р. Галиев олган суратлар.

ШАРҚ ЛАТИФАЛАРИ

Бир киши дўсти билан қаҳвахонага кирди ва стол атрофига ўтириб у билан суҳбатлаша бошлади. Официантка улар олдига келиб сўради: «Нима истайсизлар?» У киши деди: «Бироз фурсат беринг, то суҳбатимиз тамом бўлсин». Официантка бир муддат фикр қилгач деди: «Фурсат бор эди, аммо бошқа хўрандалар тамом қилишди. Бошқа нарса буюринг, олиб келаман».

* * *

Сутфуруш ҳар куни ошхонага бир кўза сут олиб келарди. Кунларнинг бирида у кўза тўла тоза сув келтирди. Ошпаз кўза оғзини очаркан, нигоҳи сувга тушди: «Бу сув-ку!» Сутфуруш унга ажабланиб қараркан деди: «Кечирасиз, бугун сувга сут қўшишни унутибман».

* * *

Бир кишининг этагида еттита товуқ тухуми бор эди. Кўчада у бировни учратиб деди: «Агар этагимда нима борлигини айтсанг, мен бу тухумларни сенга бераман ва нечталигини айтсанг, еттови ҳам сеники бўлади». У киши озроқ фикр қилди ва деди: «Тушунмадим, бир нишонини айтки, шояд англасам». У айтди: «Ўзи оқ нарса, ўртаси эса сариқдир» деди. «Ҳозир айтаман нималигини. У турп бўлиб, ўртаси тешилиб, сабзи тиқилган». Бу латифа кўпчилик олдида нақл қилинди. Йиғилганлардан бири айтди: «Этагидагининг нималиги ҳали маълум бўлмади-ку?!»

* * *

Боши кичик, соқоли узун мактабдор бир кеча китобдан соқоли узун, боши кичик муаллим аҳмоқлик аломати эканлигини ўқиди. Мактабдор кўрдики, ҳар уч аломат ҳам унга тегишли экан. Ўзича, каллам кичик бўлса, уни камайтириш қўлимдан келмайди, ҳеч бўлмаганда соқолимни калта қилай, дея фикр қилди. Бахтга қарши қайчи ҳам тезда топилавермади. Шу тарика у соқолини қўлига олди ва соқоли учини чироққа тутди. Лекин қўли қуйиб, соқолини қўйиб юборди, натижада соқолининг бари куйиб кетди. Шу вақтда мактабдор қўлига қалам олиб, китоб ҳошиясига шундай сўзларни ёзди: «Бу масала тўғри бўлиб, тажрибадан ҳам ўтган».

* * *

Мақтанчоқ овчи ўрмонда ўтин териб юрувчи кишини учратиб, ундан сўради: «Менга шер турган жойни кўрсатиб беролмайсанми, мен уни овлар эдим». Ўтин терувчи деди: «Мен шу яқинда шерни кўрдим, тезроқ бўл, ҳозир у етиб келади». Бечора овчининг ранги ўчиб, қалтирай бошлади ва деди: «Менга шер турган жой керак, унинг ўзи эмас».

* * *

Икки суҳбатдош бўларди. Улардан бири иккинчисига деди: «Ҳозир сиз йигирма беш ёшдасиз ва сигарет чекасиз. Бу сизга кунига бир риёлга тушади. Ойига 30 риёл, йилига 365 ва 25 йилга 9000 дан зиёд риёл бўлади. Бу маблағга сиз шу муддатда дуд ва зарар кўрасиз. Агар сигарета чекмаганингизда ҳозир бу маблағга шаҳар ташқарисидан бир уй сотиб олардингиз». Иккинчиси деди: «Тўғри айтасиз. Сиз сигарета чекасизми?». Деди: «Йўқ, мутлақо. Сиз мени бир кунга шаҳар ташқарисидаги уйингизга таклиф этишингизни истайман».

Форсчадан
Норали АСЛОН ўгирган.

«Prezident kubogi»

НУФУЗИ БОРАЁТГАН ОШИБ ТУРНИР

Олтин куз спорт мусобақалари ичида биз учун энг муҳими 8 сентябрда бошланадиган теннис бўйича халқаро «Президент кубоги» мусобақасидир. Бунда қатнашиш учун бу йил дунёнинг турли минтақаларида жойлашган 16 мамлакатдан профессионал спортчилар ташриф буюришган. Ғолибларни рағбатлантирувчи умумий мукофот жамғармасининг миқдори 405 минг Америка долларига тенг. Шундан 1-ўринга 58 минг, 2-ўринга 34 минг, 3-ўринга 20 минг, 4-ўринга 11 минг 500, 1/16 финал иштирокчисига 6 минг 800, 1/32 финал қатнашчисига 4 минг 50, асосий мусобақаларда қатнашиш учун ўтказиладиган ўтиш баҳси иштирокчиларига эса 500 доллардан мукофот берилади. Қисқаси «Президент кубоги»нинг кўлами йилдан-йилга дунё миқёсида тобора кўтарилиб бормоқда. Ўзбекистон бу йил АТП-ТУРга аъзо бўлди.

Мусобақа бошланиши арафаси билан Юнусободдаги муҳташам кортда ташкилий ва бир қанча бошқа масалаларни ҳал этиш, мусобақаларнинг қандай тартибда боришини матбуотда тўлароқ ёритишни таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситаларининг конференцияси ўтказилди. Унда мусобақа ташкилотчилари билан бирга республикамизнинг энг нуфузли газеталари ижодкорлари иштирок этди.

Тўртинчи бор ўтказилаётган «Президент кубоги» мусобақасининг бошланишига ҳам саноқли соатлар қолди. 8 сентябрдан 14 сентябрга қадар ўтказиладиган мусобақа бутун мамлакатимиз бўйлаб теннис байрамига айланиб кетиши шубҳасиздир.

Мусобақа қатнашчилари ҳамда уларнинг дунё теннис талқинида эгаллаб турган ўрни.

1. Евгений Кафелников — 3 Россия
2. Алекс Кореджа — 7 Испания
3. Тин Хинман — 21 Германия
4. Марк Россит — 17 Швейцария
5. Боздан Юлехраж — 36 Чехия
6. Жовиер Санчез — 38 Испания
7. Хичам Арази — 39 Марокко
8. Франциско Клавет — 50 Испания
9. Винсент Спадиа — 84 АҚШ
10. Андрей Павел — 88 Руминия
11. Киннет Карлсен — 92 Дания
12. Жан Крослак — 96 Словакия
13. Жиан Лука Поззе — 105 Италия
14. Адриан Воина — 107 Руминия
15. Олег Огородов — 120 Ўзбекистон
16. Александр Волков — 124 Россия
17. Роман Делгадо — 125 Парагвай
18. Стев Кэмпбел — 130 АҚШ
19. Разван Сабау — 134 Руминия
20 Андрей Черкасов — 144 Россия
21. Стефан Коубек — 146 Австрия
22. Гуиллермо Канос — 149 Аргентина
23. Андрей Меренов — 155 Россия
24. Иял Пан — 169 Исроил
25. Криатиено Каратти — 175 Италия
26. Сиерри Чемпион — 237 Франция

ТАЭКВАНДОНИНГ ВАТАНИ

Инсон ҳамиша ўзидан баркамол авлодлар қолдиришга ҳаракат қилади. Шу маънода у ўз ҳаёти давомида нафақат маънавий, балки жисмоний тарбияга ҳам катта аҳамият беради. Айнан ана шу масалага Жанубий Кореяда ҳам кўпроқ эътибор қаратилади. Мамлакатда миллий спортнинг қатор турлари ривож топган. Булар орасида спортнинг таэквандо тури янада ажралиб туради. Ўз-ўзини ҳимоялашга асосланган бу спорт ўйини жаҳонда кейинги 25 йил ичида янада оммалашиб кетди. Дунёнинг 150 мамлакатида корейс инструкторлари таэквандо билан ишлаяпти.

Корейс таэквандо ассоциацияси Спортсеварлар Ассоциациясининг йирик филиали бўлиб, 3 ярим миллион аъзоси бор. Бу мамлакат аҳолисининг 10 фоизини ташкил этади. Мазкур рақамлар меҳнаткаш корейс халқининг спортни нақадар ҳурмат қилишини кўрсатиб турибди.

Жаҳон таэквандо федерациясининг Сеулдаги штаб-квартираси 1980 йилдан эътиборан Халқаро Олимпия Қўмитасининг назорат органига айлантирилди.

1988 йилда ўтказилган Сеул олимпиадасида таэквандо илк бора спортнинг тан олинган тури сифатида ўйинлар жадвалига киритилди.

Х Осиё ўйинларида корейс таэквандочилари мавжуд 8 олтин медалнинг 7 тасини қўлга киритганликларига сабаб ҳам уларни шу ўйинга бўлган ҳурмат-эътиборларини, қолаверса, чаққон ва эпчилликлариниқўрсатиб турибди.

Н. ОЧИЛОВ тайёрлаган.

Sport

«ПАХТАКОР»ГА ОМАД КУЛИБ БОҚДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лига жамоалари навбатдаги 22-тур учрашувларини ўтказишди. «Пахтакор» ўз майдонида «Трактор» футболчиларини қабул қилди. Учрашувда тошкентликлар 3:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Тўпларни «пахтакор» — чилардан А.Абдураимов (5-минутда), Алиев (52), Д.Назаров (89)лар киритишди. 22-турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди.

«Янгиер»-«Бухоро» — 1:2, «Навбаҳор» — «Хоразм» — 5:1, «Насаф» — «Косонсой» — 4:0, «Афросиёб» — «Сўғдиёна» — 3:1.

НОЎРИН ҚИЛИНГАН ДАЪВО

Сеул Олимпиадаси финалида Жанубий кореялик Пак Си Хунга ютқазиб қўйган америкалик боксчи Рой Жонс ҳакамларни нохолисликда айблаб, норозилик билдирганди. Орадан ўн йил ўтиб, яна қўзғолон, жанжалдан сўнг ХОҚ воқеаларни батафсил қайта кўриб чиқди.

Маълум бўлишича, учрашувда ҳеч қандай найранг бўлмаган экан.

«Жабрланувчи»нинг олтинга даъво қилиши бекор бўлиб чиқди.

БАДЖО ИЛА САККИ...

«Футболнинг энг тоза ҳавоси қаерда дейишса, бемалол Италияни айтаверинг. Бироқ шундай мамлакатнинг энг ёқимтой жамоаси — «Милан»да рўй бераётган воқеалар Италия фанатлари тугул бизни ҳам ранжитиб юборди. Ариго Сакки терма жамоани бошқараётганида. Роберто Баджони қабул қилмаганди. Бу эса Италия футболчиларининг «Европа-96»даги инқирози билан тугаганди.

БЕШ ДАҚИҚАГА ЧЎЗИЛГАН НОКАУТ

Бокс бўйича беш карра жаҳон чемпиони Феликс Савоннинг Куба чемпионатидаги мағлубияти катта шов-шувга сабаб бўлди. У биринчи раунт тугашига 25 сония қолганида рақиби Хуан Делиснинг кучли зарбасидан сўнг ҳушсиз йиқилиб, беш дақиқа ўзига келолмади. Бу Феликснинг кейинги 12 йил ичидаги тўртинчи мағлубиятидир.

ОТ ЙИГИТГА ҚАНОТ

Яқинда республика от спорти мактаби ва Марказий отчопар майдонида Истиқлол байрамига бағишланган чавандозлик бўйича навбатдаги мусобақа бошланди. Мусобақада асосан Россия, Қозоғистон, Қирғизистон каби ҳамдўстлик давлатларидан келган номдор чавандозлар ҳам иштирок этмоқда.

maydoncha si

Орадан кўп ўтмай қурултой чақирилди ва Бухоро Халқ Республикаси эълон қилинди. Халқ «энди озодлик бўлди нафосат аҳлининг, санъат намояндаларининг ҳам бағрига янгича ҳаёт шабадаси тегиб қолар»дея орзу қиларди. Ҳалим Ибодов... У ўз ҳамнафаслари билан биринчи қурултой қатнашчилари шарафига берилган концертда фаол қатнашди ва мароқ билан ашулалар айтди... Бухоролик жадидчилар бу паллаларда янгича ҳаёт бунёд этиш йўлида жадал саъй-ҳаракатлар қилардилар, бу борада айниқса Абдурауф Фитратдек тараққийпарварлар жонбозликлар кўрсатарди. «Ёш бухороликлар» ҳаракати тепасида турганлардан бири Файзулла Хўжаев эди. Орадан муайян вақт ўтгач, у Бухоро Халқ Республикаси нозирлар кенгашининг раиси (премьер-министр) лавозимига кўтарилди, ўша пайтларда Ф.Хўжаевнинг халқ ичидаги обрўси жуда баланд эди. Унинг ҳақида қўшиқлар тўқиларди, чунончи хоразмлик Сафо Муғанниє:

Хўжа ўғли Файзулло
Хуш келибсиз Хоразмга.
Хоразмдир узоқ ўлка,
Ейишимиз қаро бўлка...
Қачон еймиз оппоқ бўлка?!
Хуш келибсиз Хоразмга...

дея, гармон чалиб айтиб, ушбу диёрга ташриф буюрган ҳукумат бошлиғини кутиб олганди ва кейинчалик, шахсга сиғиниш даври авжга минган чоғларда ҳамда Файзулла Хўжаев «қораланган»да, қўшиқчи-шоир ҳибсга олиниб, қатағонга учраганди...

Сафо Муғаннийнинг қўшиғи бунингдек дадил мазмунда янграши ўзига хос бир раддия эди, зеро Шўролар тузуми айниқса ўша вақтларда халойиқ ҳаёти тарзини тушкун аҳволга солиб қўйганди... Мана шундай вақтларда Файзулла Хўжаев иқтидорли раҳбар сифатида эл турмуш даражасини бир қадар кўтариш йўлида жиддий саъй-ҳаракатлар, халқ манфаатини кўзлаб катта интилишлар қилди, шу боисдан ҳам нозирлар бошлиғини республиканинг барча ўлкаларида, вилояту ҳар чеккаларида, тангликдан халос этиш мақсадида сабрсизлик билан кутардилар. Файзулла Хўжаев қаерга бормасин, ўзи билан шоиру ҳофиз, созандаларни ҳам ўша ерга олиб борарди, булар ўртасида албатта Домла Ҳалим Ибодов ҳам бўларди, меҳнаткаш аҳолига ранго-ранг дастурларда концертлар бериларди, шоирлар эса янгидан-

СУРАТДА: «Шашмақом»нинг буюк билимдонлари — Ота Жалол, Ота Ғиёс, Домла Ҳалим композитор, мусиқашунос, профессор Виктор Успенский ва бошқалар (1924 йил).

НАФОСАТ ОШЁНИГА «ҚИЗИЛ»ЛАР ТАЖОВУЗИ

янги шеърларидан ўқирдилар, мушоира базми авж пардаларга чиқарди... Файзулла Хўжаев яна бир таниқли давлат намояндаси Акмал Икромов билан бирга ташаббускорликлар кўрсатиб замон талабларига монанд мутахассис кадрларни тайёрлаш масаласига ҳам жиддий эътибор бера бошлагандилар, ҳатто Германияга маҳаллий меҳнаткашлар фарзандларини ўқишга жўнатган эдилар. Бухорода мусиқий драма театри ташкил этилди (унинг номи дастлаб «Файзулла Хўжаев театри» деб аталганди) ва ҳукумат бошлиғи ушбу театр ҳақида ғамхўрликлар кўрсатиб келди. Туркистон ўлкасидаги театр ва концерт ташкилотлари учун иқтидорли мутахассис кадрларни етказиш мақсадида қобилиятли ёшлар Москвадаги театрлар қошидаги билим юртларига ўқишга жўнатилдилар. Худди шунингдек, иқтидорли ёшлар Бокуга ҳам ўқишга юборилдилар. Мана шу паллаларда Бухорода ташкил топишига Ф.Хўжаев бевосита сабабчи бўлган дастлабки музика мактабида Домла Ҳалим Ибодов етакчи педагог, устоз мураббий сифатида қизғин фаолият кўрсатди, у ашула, ўзбек халқ мусиқаси усулларидан, Шарқ хонандалик санъати сир-синоатларидан дарслар берди, кўпгина салоҳиятли санъаткорларнинг тарбияланиб етишишига катта ҳисса қўшди. Домла Ҳалимнинг устозлик мактабидан Мухтор Ашрафий, Мутаваккил Бурхонов, Фазлитдин Шамсиддинов, Товур Жумаев, Саид Алиев, Эргаш Шукруллаев, Хайри Изомов, Олимжон Ҳалимов сингарилар баҳраманд бўлдилар ва кейинчалик улар халқимизнинг атоқли санъаткор-ижодкорлари бўлиб етишдилар.

Айни вақтда Домла Ҳалим Ибодов педагогик фаолиятини маданий-мусиқий меросни ташвиқ тарғиб этиш, концерт-ижрочилик соҳасидаги ишлар билан биргаликда қизғин олиб борди. Бу даврдаги Ҳофиз ижрочилик мундарижасидаги асарларда кўпинча шодлик, меҳр ва садоқат туйғулари, севинч ва ишонч, ёруғ кунлар келишига эътиқод кайфиятлари жило бериб турарди. Санъаткор зўр илинжлар, орзу-умидлар билан яшарди, эзгу ниятларим мана энди рўёбга чиқади, деган ўйлар билан ижодий изланишларда бўларди. Шу боисдан ҳам унинг санъати бу даврларда мисли кўрилмаган даражада қулф ура бошлади, хонанда ҳамиша халқ орасида бўлди, сеҳрли овози, беназир ижрочилик маҳорати, ўта юксак иқтидори эллар ичра достон бўла бошлади, назм аҳли унинг шаънига самимий мисралар ҳам битдилар:

Домла Ҳалимда бордир ноёб овоз,
Кўнгли қишларни ҳам айлайди у ёз..

Буюк хонанда ижросидаги ноёб, мумтоз қўшиқлар айниқса Шарқ тароналари хазинасидан бебаҳо дурдона, асл гавҳар бўлиб ўрин эгаллади, айниқса олмос маҳорат, меҳру саховат, дард, юрак қўри, жигар хуни омухта бўлиб хониш этилган «Савти сарвиноз», «Қашқарчаи ушшоқ», «Ирок»у «Тўлқин»лар тингловчилар онгига юксак маънавият ато этарди, жон риштасига пайванд бўлиб, қон томирига оромбахш бўлиб кириб борарди. Аввллари амир Саид Олимхон таклифига кўра, «Грамофон» жамиятининг ташаббуси билан «Пишушит Амур» фирмаси (Германиянинг Ригадаги шўъбаси) Домла Ҳалим овозини грампластинкага ёзиб олган бўлса, эндиликда халқ ҳофизининг довруғи Англия, Франция, Россияларга ҳам етиб борди; «Грампластрест»нинг Ногинскдаги заводи ўзбекистонлик машҳур хонанда овозини «жонли тобоқ»ларга ёзиб олиб, жаҳонга тарқатди.

Бахриддин НАСРИДДИНОВ.

(Давоми бор).

(Боши газетамизнинг ўтган сонларида)

«ЧОРБОГ» Халқаро

Таълим Маркази

АҚШ таълим ва маданий алоқалар бюроси билан ҳамкорликда инглиз тили ўқитувчилари, инглиз тилини ўрганаётган ўқувчи, талаба ва мутахассисларга ***аудиокассеталар ва ўқув қўлланмаларини*** *таклиф этади:*

Аудиокассета (*) ва қўлланмалар	Нархи сўм
1. World English (нашр. 1—2, 3—4, 5—6)	
a. Student Book	
b. Workbook	
c. Teacher's Book	
d. Аудиокассеталар	
Жами:	
Талабалар ва ўқувчилар учун (a+b+d)	9600
Ўқитувчилар учун (a+b+c+d)	12000
2. Easy does it 3. Experiencing English*)	790
4. Right Reading 5. The Way it is*)	770
6. The Lighter Side of TEFL*)	700
7. Seven of Note*) 8. Twelve famous Americans*)	920
9. Varieties of American English*)	520
10. Economic Consideration	700

Бизнинг адрес: Тошкент ш. Буюк Ипак йўли к. 167 а, Тел.: 65-41-45 65-71-59, Факс: 67-69-98

ПРОФЕССОР ЛОЛА МЎМИНОВАНИНГ КОРРЕКЦИОН-ПЕДАГОГИК МАРКАЗИ

Ушбу марказ нутқи, эшитиши, кўриши, интеллектида нуқсонлари бўлган болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган.

Ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг кўпчилиги илк ёшида аниқланган ва ўз вақтида ўтказилган даволов, коррекцион-педагогик тадбирлар ёрдамида ижтимоий ҳаётга ва меҳнатга мослашадилар.

Ҳозирги экологик жиҳатдан мураккаб вақтда дефектологик билимсизлик, саводсизлик оилангизда фожиага айланиши мумкинлигини таъкидлаб, бу масалага жиддий эътибор беришингизни эслатиб ўтамиз.

Бизнинг асосий принципимиз: ҳар бир бола учун — ўзига хос ва мос ўқитиш дастурини амалга ошириш.

Юқори малакали мутахассис — логопедлар, дефектологлар, психологлар, психоневрологлар Сизнинг хизматингиздадир.

Нутқ ўстириш, эшитиш, кўриш, хотира ва интеллектни ривожлантириш бўйича жаҳон андозасидаги машғулотлар ташкил этилиб ҳаётий, ижобий натижа билан тугалланади.

Марказда мутахассислар сизнинг болангизни саводга ўргатадилар, она тили, рус тили ва чет тилларини ўргатиб, мактабга, лицей ва гимназияларга тайёрлаб берадилар.

Республикамизда биринчи марта кўр, карсоқов болаларни, аутик, интеллекти чуқур бузилган болаларни ўқитиш ташкил этилади.

ОТА-ОНАЛАРГА:

Ривожланишда нуқсони бўлган болаларни тарбиялаш учун зарур бўлган маслаҳатлар берилади.

МУТАХАССИСЛАР УЧУН:

Малакали илмий-методик ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида мутахассислар учун маслаҳатлар берилади ва улар методик адабиётлар билан таъмин этилади.

МАРКАЗГА МАРҲАМАТ! ТЎЛОВ — ХОҲЛАГАН ТАРЗДА.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Низомий номидаги ТДПИ дефектология факультети, 5-ўқув биноси, 4-63 хона, тел. 55-71-80.

ТРАНСПОРТ: автобуслар № 11, 135, 77; троллейбуслар № 11, 14, 6.

Xullas...

КИТОБНИ ШЎРВАГА ТЎҒРАБ ЕСАНГ...

Кейинги пайтларда японлар ажабтовур-ажабтовур ишлар қилишаяпти-да. Яқинда уларнинг нашриётларидан бирида антиқа китоб чоп этилди. Ҳайратланарлиси шундаки, бу китобни ўқиб чиқиб, кейин еса ҳам бўлади. Чунки китобнинг варақлари ширин хамирдан ясалган ва пиширилган бўлиб, унда халқ қўшиқларига тартиб берилган. Хуллас китоб 80 минг нусхада чоп этилиб 8 кунга қолмай иштаҳаси карнай китобхонлар томонидан сотиб олинди. Айтишларича, китобхонлар бу китобни еб қўйишдан қўрқиб бир-бирига қарзга ҳам бермас экан. Бизнингча, японларнинг фирма нашриёти бу хил маҳсулотини чиқаришда давом этса, яқин кунларда Японияда нон цехлари касодга учрайди.

ПИВОХЎР МОМОЛАР

Лондондаги йирик пивохоналардан бири ҳар йили шаҳарнинг энг ашаддий пивохўрини танлар экан. Ўтган йилнинг фахрий унвонига Брунс исмли аёл сазовор бўлган. Унинг таъкидлашича, 18 ёшидан бошлаб кунига бир литрдан кўпроқ пиво истеъмол қилар экан. Аёл 73 йил мобайнида тахминан 70 тонна пивони ичиб қўйибди. Бироқ, бу кўрсаткични эшитган россиялик Надежда хола истамайгина қўл силтаб қўйди. Унинг таъкидлашича, Брунс хола ичганчалик пивони у бундан 30 йил аввал ичиб қўйган экан.

ҚУШ НОМЕРДАН САҚЛАНИНГ!

Латвиянинг ГАИлари жуда «шум» чиқиб қолди. Уларнинг ўйлаб топган нарсаси шуки, маст ҳолда автомобиль ҳайдаган кишининг маълум вақтгача машинаси номери ёнига яна битта номер тақиб қўйилади. Қўшимча номерга «А...К» деб ёзилар экан. Бу ҳарфлар «алкаш» деган маънони англатар экан. Хуллас денг, қўш номер тақиб юрганлардан Латвияда ҳамма ижирғанади. Шунинг учун ориятли латвияликлар аввал ўйлаб, кейин «отар» экан.

Яқинда нима бўлибди денг, москваликлар ҳам шу тажрибадан фойдаланмоқчи бўлибди. Натижани аниқлашса бир ҳафтада шаҳарда биронта ҳам битта номерли машина қолмаган экан.

ana shunaqa gaplar

Саноат-қурилиш банки (ПСБ) Тошкент шаҳар бўлими томонидан берилган «Блу-Найл» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасининг 295701-295725 рақамли чеки йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси, Фарғона вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг бош ҳисобчиси Кимёхон Юсуповнага ўғли

ЖАЛОЛИДДИН

фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, Луқмон БЎРИЕВ

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0524. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6